**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Туризм” кафедраси**

# МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

## ёзиш юзасидан услубий кўрсатма

**5А 610301 — “Туризм” (фаолият турлари бўйича) йўналиши бўйича**

**ТОШКЕНТ - 2012**

**Услубий кўрсатма “Туризм” кефедраси мажлисида кўриб чиқилган ва тасдиқланган**

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Туризм” кафедрасида муҳокама қилинган
ва тасдиқланган

Кафедра мудири ____________ и.ф.д., доц. З.Д. Адылова
(кафедра мажлисининг № 42-сонли баённомаси, “ 26” июн 2012 й.)

**Тузувчи:** и.ф.н., доц. М.Т.Алиева.

Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимизнинг бошқа соҳаларидаги аҳвол амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг самарадорлиги аввало халқ манавиятининг тикланиши,бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши,анъаналаримизнинг сақланаши,маданият ва санъат,фан ва таълим ривожи билан узвий боғлиқдир.

**И.Каримов.**

## Кириш

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи чақириқ IX сессиясида 1997 йил 29 август қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, магистратура аниқ ихтисослик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриатдан кейин унинг негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълимдир. Магистратура олий таълимнинг иккинчи таълимий даражасини ифода этади. Магистр даражасига эга бўлган мутахассис бошланғич илмий ходимга хос кўникма, малакага эга бўлиши, илмий-тадқиқот ишларнни олиб бора олиши, илмий ахборотларни қабул қишш, қайта ишлаш бўйича замонавий технологияларни биладиган, чуқур билимли, юқори касбий мутахассислик маданият соҳиби бўлмоғи керак.

Магистрлик дастурининг бажарилиши давлат малака аттестацияси томонидан магистр даражаси берилиши билан якунланади ва магистрлик диссертациясининг ҳимоясидан кейин магистрларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги,касбий фаолият билан шуғилланиш ҳуқуқини берадиган диплом берилади.

## I. Умумий қоидалар.

Магистрни тайёрлаш олий таълимнинг муайян мутахассисликлар тайёрлаш бўйича юқори малакали кадрлар хамда замонавий тадқиқот базаларига эга бўлган таълим муассасаларида амалга оширилади.[1]
Унда магистрнинг.

- давлат таълим стандартларида белгиланган даражани кўзда тутадиган таълимий ихтисослик дастури бўйича олган фундаментал ва чуқурлаштирилгаи билимлари асосида мустақил ижодий фаолият юритиши хамда илмий- тадқиқот, илмий - амалий ва илмий - педагогик иш кўникмаларига эга бўлиши;
- магистрлик ёки унга яқин иҳтисосликка мувофиқ келадиган мутахассислик бўйича аспирантурада ўқиши ёки фан номзоди илмий даражасини олиш учун илмий-тадқиқот иши юритилишига тайёрлаш кўзда тутилган.

“Туризм” (фаолият турлари бўйича) ихтисослигига эга бўлган магистрнинг касбий фаолияти “Ўзбектуризм”МКсида, республикамизда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат туристик фирмаларда, меҳмонхоналарда, ресторанларда,

илмий-тадқиқот институтларида, ташқи иқтисодий фаолият соҳаларида амалга оширилади.

## 1.1.Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблар

Магистрлик диссертацияси мустақил илмий тадқиқот бўлиб, у магистрларнинг таълим даражасидан, ҳамда битирувчида илмий ходимга хос бошланғич кўникма ва малакаларнинг мавжудлигидан далолат беради.

Магистрлик диссертацияси мавзуси мутахасислик кафедраси томонидан ишлаб чиқиб, тақдим этилган мавзулар тематикаси мос бўлиб, Университет Илмий Кенгаши томонидан тасдиқланган бўлиши шарт.

Магистрлик диссертацияси мавзуси долзарб ҳамда қоида бўйича, магистрант танлаган мутахассислик бўйича аниқ илмий, амалий, назарий масалаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак.

Магистрлик диссертацияси унинг муаллифи мустақил илмий изланиш олиб боришга ўрганганлиги, касбий муаммоларни тушуниши ва уларни ҳал қилишнинг энг умумий усуллари ва йўл-йўриқларини билишидан далолат беради.

Магистрлик днссертацияси магистрантнинг илмий жиҳатдан етуклиги ва ўз мутахассислиги бўйича чуқур касбий тайёргарликка эгалигини тавсифлаши зарур.

Шунинг учун унинг муаллифи ўз ишида илмий малакавий даражасини, мустақил ҳолда илмий тадқиқот юритиш ҳамда муайян илмий ёки амалий вазифаларни хал қила олиш кўникмаларини намойиш эта олиши керак.

Номзодлик диссертациясидан фарқли ўлароқ, магистрлик диссертацияси магистрнинг, таълимий-касбий даражасини қўрсатади..

Магистрлик диссертацияси кафедрадаги илмий раҳбар томонидан тасдикланган, диссертация масаласининг назарий жиҳатлари, муаммолари, илмий ва амалий вазифларни таҳлил қилиш ва ҳал қилишни жамлаган холда пухта ўйлаб тузилган режа асосида ёзилади. Магистрлик диссертацияси магистрантнинг амалиёт ўташ давридаги ўрганган тажрибалари, хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиб, меъёрий ва ташкилотлар хужжатлари, материалларидан фойдаланиб, уларни ўрганишда орттирган тажрибаларини умумлаштириб, диссертациясида кўзда тутилгаи масалаларни ҳал қилиш йўл—йўриқларини тавсия этади.

Магистрлик диссертацияларини тайёрлашнинг умумий талаблари номзодлик ва докторлик диссертацияларини тайёрлашга ўхшайди.

Диссертация ҳимояга тақдим этилганда автореферат тайёрлаш, нашр, қилдириш ва тарқатиш талаб қилинмайди.

## 1.2 Магистрлик диссертацияси мавзуси ва илмий раҳбар танлаш ва иш режасини тузиш жараёни

Магистрлик диссертация мавзусининг тўғри танланиши унинг муваффақиятли якунланишини таъминлайди.

Магистрлик диссертацияси мавзуси мутахассислик кафедрасида ишлаб чиқилган, магистрлик дастури йўналишига мувофиқлаштирилган. Университет ўқув-услубий Кенгашида муҳокама этилиб, Университет Илмий Кеигашида тасдиқланган тематикага мос келган бўлиши шарт. Тингловчи магистрлик диссертацияси мавзусини танлаб бир қарорга келгач, танлаб олинган мавзуни унга бириктириш хақида университет ректори номига ариза ёзади. (I - иловага қаранг). Аризада магистрлик диссертацияси мавзуси тўлиқ ёзиб кўрсатилади.

Магистрантга илмий раҳбарни бириктириш масаласи ҳам илмий раҳбар розилигини олган холда магистрлик диссертациялари мавзулари ва илмий раҳбарларни тасдиқлаш бўйича буйруқ лойиҳаси асосида ҳал этилади.

Буйруқ тасдиқланиб чиқарилгач, мавзулар номи ва расмийлаштириш бўйича илмий раҳбарни алмаштириш бўйича ўзгартириш киритиш мумкин эмас.

Мавзу танлаб олингач, илмий раҳбар билан биргаликда диссертация режасини ишлаб чиқилади. Қоидага кўра, илмий раҳбар магистрлик диссертацияси режасини ишлаб, чиқиш жараёнига магастрант тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар рўйхатини тузгандан кейингина қўшилиши мумкин.

Магистрлик илмий раҳбар билан белгиланган кунлар ва соатларда мунтазам равишда учрашиб, ўз ишини муҳокама этиб бориши ва маслаҳатлар олиши керак.

Илмий раҳбарнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- диссертацияга илмий ва услубий ёрдам бериши;
- диссертация мавзуси бўйича мунтазам сухбатлар ва маслаҳатлар ўтказиб туриш;
- иш юзасидан зарурий адабиётлар, материаллар, статистик маьлумотлардан фойдалниш юзасидан тавсиялар бериш;
- иш камчиликларини кўрсатиш ва уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериб бориш;
- диссертацияни химояга тақдим этишга рухсат бериш, унинг буткул тайёрлиги хақида хулоса бериш;
- диссертацияга тақриз ёзиш;
- диссертация бажарилиши юзасидан мунтазам назорат олиб бориш;
- бажарилган ишни 100 балли рейтинг тизими асосида баҳолаш.

Мутахасислик кафедраси мудири назорати кафедра томонидан ишлаб чиқарилган ва тасдиқланган “Магистирлик диссертациясини тайёрлаш бўйича топшириқлар” асосида амалга оширилади. (2 — иловага қаранг).

## 1.3 Магистирлик диссертациясининг мазмуний ва таркибий тузилиши.

Магистрлпк диссертацияси иқтисодий асосланган мустақил илмий тадқиқот ҳисобланади.

Магистрлик диссертациясининг структуравий тузилишини тўғри ва аниқ ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлиб, ишни бахолаш ва нафақат унинг илмий, назарий ва амалий аҳамиятга эътибор бериш, балки унинг услубий томонларини ва тўғри расмийлаштирилиши ҳам хисобга олиниши зарур. Бу ишни чиройли ва мазмунли чиқишига ёрдам беради.

Магистрлик диссертациясинннг мазмуни қуйидагилардан иборат бўлмоғи даркор:

1. Тадқиқот қилинаётган муаммонинг ҳозирги холатини шархлаш;
2. Мавзунинг долзарблигини исботлаш.
3. Тадкиқот мақсади ва вазифаларига таърифлаш.
4. Илмий изланиш объектини аинқлаш.
5. Тадқиқот предметини асослаш.
6. Ушбу масаланинг чет эллардаги ҳозирги холати тахлили.
7. Илмий тадқиқот услубиятини танлаш.
8. Тадқиқот материалларини тўплаш, қайта ишлаш, давр ва услубини аниқлаш.
9. Тадқиқотнинг илмий янгилигини исботлаш,
10. Тадқиқотнинг амалий ахамиятини кўрсатиш.
11. Тадқиқот натижаларини амалиётдаги ўтказиш жараёни.
12. Тадбиқ қилинаётган таклиф ва хулосаларнинг фойдалилигини аниқлаш.

Диссертацияни бу тарзда ёритилиши унинг мазмунини бойитибгина қолмай, диссертация қисмларини мантиқий жихатдан ўзаро боғланишига имкон яратади, диссертация материаллари аниқ ва изчил баён этищдир. Ҳар бир боб мазмунан тугалланган ва кўзда тутилган мақсадга эришишга йўналтирилган бўлиши керак.

Магистрлик диссертацияси таркибий тузилишида қуйидагилар алоҳида берилади:

1. диссертациянинг титул варағи;
2. диссертация мазмунинг мундарижаси;
3. кириш;
4. диссертациянннг асосий қисми (боблар, параграфлар);
5. хулоса (тавсия ва таклифлар);
6. фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
7. иловалар.

<u>Титул варағи</u> диссертациянинг биринчи бети хисобланиб, қатъий қоидалар асосида тўлдирилади. (3-иловага қаранг).

Титул варағидан кейин ишнинг мундарижаси жойлаштирилади. Мундарижада боблар, параграфлар номи тўлиқ ёзилишн ва уларнииг матндаги - бетлари рақамларда кўрсатилади. Бунда номлар қисқартириб ёзилиши мумкин

эмас. Боблар ва параграфлар номи, уларнииг изчиллиги диссертация матни билан тўлиқ мос келиши шарт.

Кириш мавзунинг долзарблиги, магистрлик диссертациясида кўриб чиқиладиган муаммалар ишнинг мақсад ва вазифалари акс эттирилиб қуйидагилар берилади:

- тадкиқот мавзусининг долзарблиги;
- муаммонинг ўрганилган даражаси;
- мақсад ва вазифалари;
- тадқиқот предмети;
- тадқиқот объекти;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги;
- амалий аҳамияти;
- МД тузилиши

Кириш қисми диссертация ҳажмини 15-20 % ташкил этади.

Биринчи бобда мавзунинг умумий назарий масалалари, магистрлик диссертацияси ишлаб чиқиладиган ташкилот, муассаса корхона ва бирлашманинг қисқа тавсифномаси берилиши керак. Ундан ташқари тадқиқот объектининг функциялари, вазифалари, соҳаси, тузилма, бошқарув тизими, ички ва ташқи алоқалари, техник-иқтисодий кўрсаткичлари, тадқиқот объектидаги камчилик муаммолар, вазифаларни назарий ва амалий хал этишнинг умумий қоидалари ёритилиши керак.

Иккинчи бобда кўрилаётган масаланинг ҳозирги холати таҳлил қилиниб. магистрантнннг амалиёт даврида тўплаган материаллари асосида тадқиқот объектидаги камчиликларни йўқотишга ҳаратланган тавсиялар асосланиши, чуқур таҳлил этилиши керак. Иккинчи бобда диссертация мазмуиининг асосий ғоясини ифодалаши керак.

Учинчи бобда тадқиқотчи томонидан ўрганиб чиқилган материал асосида тадқиқот объекти ташкилий тузилмасининг энг қулай мақсадга мувофиқ қурилиши далиллар ёрдамида асослаб берилади, турли жадваллар тавсия қилинади, иқтисодий смммарадорлик йўллари, аниқланади, таклиф этилади.

Бу учала боб иш хажмининг 60 - 65 % ташкил этиши керак.

Хулоса қисми магистрлик диссертацияси хажминннг 10-15 % ини ташкил қилиб, унда энг мухим хулоса ва таклифлар баён этилади. Барча боблар хулосалари келтирилади.

Унда қуйидагилар ёритилади.

Танланган мавзунинг долзарблиги, назарий аҳамияти. уни амалиётда қўлланилиши, мавжуд муаммолар, уларнинг адабиётларда ёритилиш даражалари ва хал қилиш усулларининг берилиши, тадқиқот объектидаги холатини баҳолаш ва муаммони ҳал қилиш юзасидан ишлаб чиқилган хулосалар, қабул қилинган хулосаларни иқтисодий баҳолаш тадқиқот натижаларини тадбиқ этиш бўйича таклифлар бериш.

## II. Магистрлик диссертациясини расмийлаштириш қоидалари.

### 2.1. Расмийлаштириш қоидалари, магистрлик диссертациясининг хажми ва унинг ёзилиш услуби.

Магистрлик диссертациясига қўйиладиган асосий талаблардан бири уни қоидалар асосида тўғри расмийлаштириш хисобланади. Чунки ишни тўғри расмийлаштириш унинг сифатини оширибгина қолмай, балки муваффақиятликни ҳам таъминлайди. Магистрлик диссертацияси мустақил илмий иш бўлгани сабабли, уни ёзиш ва расмийлаштириш ҳам номзодлик илмий ишини ёзиш қоидаларига мос келиши керак.

Диссертациянинг тузилмаси мавзунинг мазмунини тўлиқ ёритишга қаратилиши керак: Матнда кетма-кетлик бузилмаслиги керак, изчиликка риоя қилиниши шарт. Матнда янги фикрни ифодалайдиган жумлалар абзацдан ёзилади. Тугатилмаган қисмлар бошқа бетларга ўтказилмайди. Агар бирор манбалардан мисоллар келтирилса, албатта улар манбадан олганлиги сахифанинг энг пастида чизиқ тагида сатр бошидан ёзилади. (изоҳлар). Агар бир нечта манба келтирилса, изоҳлар тартиб рақами билаи кўрсатилади.

Диссертация матни 210-297 мм форматли оқ қоғозга компьютерда 1,5 интервалда ёзилиб, умумий ҳажмн 60—80 бетдан иборат бўлиши қерак. Матн қоғозда юқоридан 20 мм, пастдан 25 мм, чапдан 30 мм. ўнгдан 10 мм хошия қолдирилиб терилади. (4 -иловага қаранг).

Матндаги ҳар бир боб янги бетдан ёзилади. Бобнинг номи ёки сарлавҳаси асосий матндан қўшимча интервал билан ажратилади. Боб номидан кейин параграф номи ёзилади.

Магистрлик диссертацияси ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.

Магистрлик диссертацияси компьютерда 14 - шрифтда 1,5 интервал оралиқда терилади. Бетларниинг тартиб рақами варақнинг юқори ўнг томонига ёки пастдан ўртага қўйилади.

Диссертациянинг титул вароғи намунага мос бўлиши керак. (3—иловага қаранг):

- диссертациянинг номи 16 - шрифтда;
- муаллифнинг исми, фамилияси 14—шрифтда;
- малакаси 14—шрифтда;
- кафедра номи 14 — шрифтда;
- даражаси 14— шрифтда ёзиладн.

Диссертация мавзусининг номи, магистрантнинг исми — фамилияси, диссертация ҳамда йил сўзи бош харфларда терилади. Шрифт танлашда Times New Roman ёки Arial дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Магистирлик диссертецкясида статистик материаллар, аналитик ва иш жадваллари берилади. Статистик материалардан матнда бор материални шархлаб беришда фойдаланилади. Аналитик жадваллар умумий хулоса ва

шархларни талаб қилади. Матбуотда чоп этилган жадваллардан фойдаланилганда, улар қайси манбадан олинганлигини албатта кўрсатиш зарур. Жадвал бошқа бетга кўчириб ўтказилган холларда жадвалнинг шапкаси албатта қайта ёзилади ва ўнг томонига “жадвалнинг давоми” деб ёзиб қўйилади.

Агар матнда чет тилидаги сўзлар келтирилса қўшимча ёки гаплар бўлса, улар аслига тўғри холда тўлалигича ёзилиши керак.

Фойдаланилган чизмалар, диаграммалар ва расмлар ҳам ёзувлар билан тўлдирилиши керак, яъни уларнинг сони ва номи ёзилади, (Масалаи 1-расм. экспорт хажми). Баъзи матерналлар диссертация охирида илова тарзида берилиши мумкин.

Магистрлик диссертацияси типография талабларига мос равишда муқоваланган бўлиши керак.

Тугалланган магистрлик диссертациясини илмий раҳбар кўриб чиқиши ва унга тақриз бериши керак. Диссертация аввал кафедрадаги дастлабки химояга, сўнгра очиқ химояга тавсия этилади. •” ,

Абзац учун матндан олдин 10 мм жой қолдирилади.

Магистрлик диссертациясида қуйидагилар бўлиши шарт:

- титул варағи;
- тадқиқот юзасидан топшириқ (1экз);
- аннотация;
- мундарижа;
- кириш;
- асосий қисми;
- хулоса;
- илова.

Диссертация папкасининг устида типография усулида печатланган этикетка бўлиши керак. (МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ деган). Иш юзасадан берилган топшириқ титул вароғидан кейин ишга тикилади ва номерланмайди. (2 -илова).

Топшириқдан сўнг аннотация жойлаштирилади ва номерланмайди. (6-илова).

Мундарижа (5-илова) 3 номер билан белгиланади ва қабул қилинган нусха асосида бажарилади.

Ишнинг асосий қисми боблардан ва параграфлардан иборат бўлиб, боблар араб сонларида номерланиши керак (1-БОБ) ва охирида нуқта қўйилмайди.

Параграфлар ҳам араб сонлари билан номерланади. Бунда параграф номеридан олдин боб номери, сўнг параграф номери ва номи ёзилади, охирида нуқта кўйнлмайди (1.1... 3.1. ва х.з.)

Иловаларда келтирилган формулалар алоҳида номерланиб, улар олдига илованинг ҳарф билан белгиланган номери ҳам қўйилади. Масалан: (В 1.).

Ишдаги барча материаллар манбалардан ссылкалар, ҳаволалар орқали берилади. Масалаи, (5. С. 42)

Матнда бирор параметр ёзилса, унинг олдига маъноси ёзилади. Масалан жорий қиймат С деб.

Боблар ва параграфлар номи абзацдан ёзилиб, нуқта қўйилмайди тагига чизилмайди, бўғин кўчирилмайди. Агар номлар 2 ва ундан ошиқ гапдан иборат бўлса, гаплар оралиғига нуқта қўйилади.

Боблар ва матн оралиғи 15 мм бўлиши, боб ва параграфлар номи оралиғи 8 мм бўлиши керак. Ҳар бир боб янги варақдан бошланади.

Матнда кетма-кетликлар ёзилиши керак бўлган тақдирда ҳар бир позициядан олдин дефис қўйилади ёки араб харфи ва қавс ёзилади ёзув абзацдан бошланади.

Ишда ёзилажак формулалар алоҳида қаторларга ёзилиб, формуладан ўнг томонда икки томондан қавсга олиб араб сони (1) билан номерланади. Формула остида символларнинг маъноси ёзилади. Символларни маъносини ёзишдан олдин “Бу ерда” сўзи ёзилади. Формула тепаси ва пастидан камида 1 тадан очик қатор қолдирилади.

Мисол: Ҳар йилги В даромаднинг С паток жорий қиймати Т вақт оралиғида қуйидаги формула орқали хисобланади:

С ....

Бу ерда:

В-

Т-

Г-

Бу ерда формула 2 -бобнинг 4 § да берилган бўлса (2.4.) номери билан белгиланади.

Агар жадваллар катта бўлиб, 1 варақга сиғмаса 2- варақда уни давом эттирилади. Бунинг учун 2-варақда жадвалнинг шапкаси қайта чизилиб номерлаб чиқилади. 1 - жадвалнинг давоми деб ёзиб қўйилади. Жадвалнинг номи фақат 1 -қисмида ёзилади холос.

Агар жадвалда келтирилган барча сонлар бир хил миқдорда белгиланган бўлса. жадвалнинг ўнг тепасида ёзилади. Масалан % да деб. Агар ҳар хил миқдор берилса, унда ҳар бир графада алоҳида кўрсатилади.

Агар сонлар математик символлар, маркалар қайтарилса //-// белги ишлатилмасдан сонлар ўзи ёзилади.

Иллюстрацион, схема ва графиклар чертёж приборлари ёрдамида амалга оширалади. Улар текст ичида хам, иловаларда хам келтирилиши мумкин. Уларни араб сонлари билан белгиланадн. Масалан, 2—расм Кадрларни бошқариш.

Ёрдамчи характердаги иллюстрацион, жадвал ва графиклар илова қисмида берилади. Ҳар бир илова янги варақдан ёзилиб, 1,2,3 -илова деб белгиланади, сўнгра илова номи ёзилади ёки иловаларА-Б-В ... деб ҳам белгиланиши мумкин. Баьзи манбалардан олинган маълумотлар текстдан сўнг варақ остида чизиқ ажратилиб, чизиқ остига олинган манба ёзиб қўйилади. Сноскалар араб сонларида белгиланади. 1,2,3 ва хоказо ёки юлдузчалар билан белгиланадн. 4 тадан ортиқ юлдуз билан белгилаш мумкин эмас.

## 2.2. Адабиётларни ёзиш қоидалари.

Фойдаланилган адабиётлар ишнинг охирида берилади. Адабиётлар алфавит тартибида, қуйидаги кетма—кетликга риоя қилган ҳолда ёзилади. (9 - иловаларга қаранг):

- қонунлар, норматив методик хужжатлар ва материаллар.
- ўз давлатимизда ва хорижда нашр этилган илмий адабиётлар (монография, мақола; илмий брошюралар ва ҳоказолар);
- ташкилот корхоналарнинг статистик, инструктив ва ҳисобот материллари.

Библиография намунаси 11 - иловада келтирилган.

Китоблар тўғрисидаги маълумотлар қуйидагиларни акс эттириши керак: Авторнинг исми, шарифи, фамилияси, китоб номи, шаҳар номи, нашриёт номи, нашр йили, китоб бетлари сони 3 ва ундан ортиқ автори бор китобларда фақат 1 та автор фамилияси ёзилиб ва бошқалар деб ёзилиши мумкин.

Нашр номи ва шаҳар номи бош келишикда тўлиқ ёзилади. Фақат Тошкент - Т. Москва -М., Санкт-Пстербург - СП деб ёзилиши мумкин, агар 2 та шаҳарда нашр этилган бўлса. масалан. М., СП деб ёзилади. 2 та нашриёт номи эса “Музика”: “Фан” деб ёзилади.

Вақтли матбуот нашрлари тўғрисидаги маълумотлар қуйидагилардан: авторнннг Ф.И.Ш.. мақола номи, журнал номи, серия номи, нашр йили, том, журнал номери. мақола, ёзилган бет маълумотларидан иборат бўлиши керак.

Илмий изланиш хисоботлари_қуйидагнча: олдин ҳисобот номи( ундан, кейин қавс ичида “хисобат” сўзи ёзилади), унинг шифри, инвентарь номери, хисобот нашр этган ташкилот номи, илмий иш раҳбарининг исми, шарифи, фамилияси, шаҳар номи, нашр йили, хисобот бети ёзилади.

Стандарт тўғрисидаги маьлумотда стандарт белгиси ва исми кўрсати.лади. Масалан ГОСТ 7.1-99. Ишнинг охирги варағида экземплярлар сони, библиография сони, авторнинг қўли (подпись) ва магистрлик диссертациясининг кафедрага топшириш санаси ва ҳимоя этиш санаси ёзнлади.

## 2.3. Иллюстрацияга қўйиладиган талаблар

Магистрлик диссертациясининг график қисми ишни расмийлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланиб, тадқиқотчи ўз ишида келтирилган бир неча жадвал, график диаграммаларни илмий раҳбари билан биргаликда нллюстрация учун тахлаб олади. График қисм ГОСТ га мувофиқ равишда расмийлаштирилиши.

Ушбу методик кўрсатмаларга риоя қилмай ёзилган ишлар химоя ва аттестацияга қўйилмайди.

5-6 экземялярда иллюстрация материаллари тайёрланиб, ДАК аъзоларига тарқатилади (А4 форматнда). Улар асосида 5-6 та жадваллар тайёрланади. Жадваллар ўзида бир неча йилларни қиёслаб берилган иқтисодий

кўрсаткичларни акс эттириши керак. Айникса, автор томонидан ишлаб чиқилган ҳисоб-китоблар методикалари асосида тайёрланган жадвал ишнинг қадрини янада оширади. Ишнинг асосий натижалари жадваллар, графиклар, диаграмма, гистограммалар тарзида берилса янада яхши бўлади.

Айниқса магистратура диссертацияси тадқиқ қилиниши натижасида қилинган иқтисодий самара кўрсатилган жадваллар жуда муҳимдир. Булар ишни иқтисодий баҳоланиши учун жуда зарур.

Охирги жадвалда илмий ишнинг корхона ишлаб чиқариши, ўқув ёки илмий жараёнларга тадбиқ қилиниши ҳақидаги маълумотларни акс эттириши керак.

## 2.4 Магистирлик диссертациясини ҳимояга тайёрлаш тартиби

Магистрант ўзи бажарган иши учун илмий раҳбардан, ташқи тақризчидан, хулоса ва тақриз олгач, кафедра мудирининг ҳимояга рухсатини олгач, 10-15 минутлик доклад тайёрлашга киришади.

Тадқиқотчи ҳимояга жуда пухта тайёргарлик қўриши керак. Чунки иш қанча пухта, сифатли, яхши ёзилишига қарамай, ҳимоя яхши бўлмаса, уни баҳоси пасайиши мумкин.

Муваффақиятли химоя яхши тайёрланган докладга асосланади. Унда магистрнинг иш қилгани акс этиши ,ишнинг долзарблиги,илмий-изланишида қандай методлар қўллангани, ишнинг мазмун ва моҳияти, иш юзасидан кўрилган натижалар ,ишнинг таҳлили, таклиф, мулоҳаза вахулосалар батафсил баён этилиши керак. Ишни ҳимояси вақтида тайёрланган иллюстрация плакатлардан фойдаланилади.

Доклад ёзма равишда тайёрланади, лекин ҳимоя вақтида матн ўқиб берилмасдан, балки оғзаки, чиройли қилиб гапириб бериш ҳам керак.

Доклад қисқа , тўғри, бехато, аниқ ёзилиши керак. (7 -иловага қаранг).

Докладнинг қисқача мазмуни магистрант аннотацияда баён этиши керак. Қайд этилган барча ҳужжатлар билан бирга магистрант диссертациянинг 1-2 бет ҳажмидаги аннотациясини Давлат аттестация комиссияси (ДАК)га тақдим этади. (аннотация ўзбек, рус ва инглиз тилида тайёрланади). (6 — иловага қаранг).

## 2.5 Магистрлик диссертациясига ёзиладиган тақризлар

Магистрлик диссертациясига ёзиладиган хулоса ва ташқи тақриз берилади. Булар ҳам маълум хулосаси қоида асосида ёзилиши керак. Илмий раҳбар хулосаси ва ташқи тақриз қуйидагича ёзилиши шарт:

Илмий раҳбар хулосаси:

1.Диссертация мавзусининг долзарблиги;

2. Мавзунинг магистрант иш жойи бнлан боғланганлик даражаси;

3. Магистрлик днссертациясининг мақсад ва вазифалари муаллиф томонидан қай даражада ёритилганлиги;

4. Тадқиқотининг илмий жиҳатдан янгилиги;

5. Тадқикқот натижаларининг асосланганлиги;
6. Тадқиқотчини илмий таҳлил қила олишини қисқача таърифлаш;
7. Магистрант хулоса ва таклифларининг сифати;
5. Диссертациянинг қўйилган талабларга мос келиш ёки келмаслиги.

Ташқи тақризда:

1. Мавзунинг долзарблиги;
2. Тадқиқотнинг илмий янгилиги;
3. Диссертациянинг амалиёт учуи аҳамияти;
4. Диссертациянинг мазмуни ва тугалланганлик даражаси;
5. Материални баён этиш услуби;
6. Тадкиқотнинг илмий ва амалий қиймати;
7. Диссертациянинг талабга мос келиш даражаси.

Шу билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳам кўрсатилади. Тақриз ҳажми компьютерда ёзилган 2-5 бетдан иборат бўлади. Диссертация ютуқлари ва камчиликларини далилий тарзда ёритувчи ушбу хужжат ҳимоя пайтида диссертация натнжалари мухокама қиликаёттанда Давлат аттестация комиссияси йиғилишида ўқиб эшиттирилади.

Юқорида қайд қилинган тақризлар билан расмийлашитирилган иш 2 нусхада кафедрага топширилади Кафедра ишни кўриб чиққач, дастлабки химоя куни ва вақтини белгилайда. Дастлабки химоядан муваффақиятли ўтган диссертация кафедра қайдномаси билан расмийлаштиарилиб, очиқ ҳимояга тавсия этилади.

## 2.6 Магистрлик диссертациясининг очиқ ҳимоясини ўтказиш тартиби.

Магистрлик диссертацияси ҳимояси илмий мунозара характерега эга бўлиб, ўта талабчанлик ва қатъият билан илмий мулоқат одобига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Давлат аттестацияси комиссияси раиси диссертация ҳимояси вақтида мавзунинг номи, муаллифнинг исми-шарифи, шунингдек бошқа зарурий ҳужжатлрнинг мавжудлиги ҳакида ахборот бериб, магистрнинг “таржимаи холи”, унинг ўзлаштириши, агар бор бўлса, чоп этилган мақолалари ва бошқалар тўғрисида қисқа тавсиф беради.

Сўнг сўз илмий раҳбарга берилади. Илмий раҳбар магистрантнинг тадқиқот иши юзасидан ўз хулосасини ва бошқа шахсий жиҳатлари ҳақида ўз мулохазасини билдиради. Илмий раҳбар тақризини КИМК аъзоларига ўқиб эшиттирилади.

Сўнг доклад учун сўзни магистрга берилади. У аввалдан тайёрлаб келган ёзма докладини 15дақиқа давомида ўқиб эшиттиради (яхшиси гапириб бергани маъқул).

Доклад диссертация мавзуси бўйича кириш, методалогия, натижалар ва тавсияларни ўз ичига олади.

Магистрант КИМК аъзолари диққат –эътиборини асосан ўтқазилган тадқиқотнинг якуний натижаси,шахсан ўз томонидан ишлаб чиқилган янги назарий ва амалий йўл- йўриқларга қаратмоғи керак. Доклад чоғида барчани фикрини зарур холларда қўшимча тайёрланган слайд ,жадвал ва графикларга ҳавола қилиш мақсадга мувофиқдир.

Нафақат нутқ матнининг мазмуни, балки уни ўқиб ёки гапириб бериш ва берилган саволларга ишончли, дадил жавоб бериш , эркин нутқ сўзлаш қоидаларига риоя қилиш ҳам маълум даражада химоянинт даражасини аниқлайди. Магистрантнинг нутқи нафақат тушунарли бўлнши, шунингдек ифодали бўлиши ҳам зурур.

Магистрант маърузасидан сўнг - КИМК раиси расмий такризчининг бажарилган диссертацияга берган тақризини ўқиб эшиттиради хамда такризда кўрсатилган таклиф ва мулоҳазаларга ўз муносабатини билдириш ва саволларга жавоб бериш учун магистрантга сўз беради.

Шундан сўнг, КИМК аъзолари томонидан мухокама ва илмий мунозара бошланади. КИМК аъзолари днссертацияга дахлдор бўлган муаммолар, тадқиқот усуллари бўйича исталган саволларни оғзаки тарзда бериб, тадқиқот жараёни ва бажарилган амалий ишлар натижаларини аниқлашлари мумкин.

Бериладиган жавоблар масаланинг моҳиятига тааллуқли бўлиши, магистрант берилган саволларга камтарлик ва хушмуомилалик билан жавоб бериши лозим.

Саволларга жавоб беришдан олдин уни диққат бнлан эшитиб, ёзиб олиши зарур. Барча саволларни эшитиб, сўнг жавоб бергандан кўра, ҳар бир саволга ўша захоти жавоб берилган маъқулроқ.

Мунозара тугагач, магистрант хохишига кўра унга якунловчи сўз берилади.

КИМК аъзоларининг ёпиқ йиғилишида ҳимоя якуни кўриб чиқилади ва уни баҳолаш тўғрисида қарор кабул қилинади. Мазкур қарор хайъат аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Сўнг КИМК раиси барча иштирок этувчиларга баҳони маълум қилиб, ҳимоя қилувчига магистрлик академик даражаси берилганлигини билдиради ва йиғилишни ёпиқ деб эълон қилади.

Дастлабки ҳимоядан ўтмаган ёки ҳимояга тавсия этилмаган ҳар қандай диссертация “тугалланмаган” деб, шунингдек дастлабки ҳимоядан ўтган, бироқ очиқ ҳимоядан четлатилган диссертация “ҳимоя қилинмаган” деб ҳисобланади.

**Магистрлик диссертацияси ҳимоя натижалари 100 баллик рейтинг баҳолаш тизими орқали аниқланади**.

| КИМКнинг МД ҳимоясини ташкил этиш вақти | Баҳолаш кўрсаткичлари | Баҳолаш мезонлари |
|---|---|---|
| 2013 йил | 56 – 70 балл | -МДнинг дастлабки ҳимояси протоколи, |

| | | |
|---|---|---|
| -майдан<br>- июлгача | | далолатномаси, аннотацияси, тақризлари ва тадбиқ этиш акти мавжудлиги (10-12 балл);<br>-МДнинг расмийлаштириш талабларига жавоб бериши (10-12 балл);<br>-талаба томонидан МДнинг мазмунини очиб бериш (доклад) даражаси (16-18 балл);<br>-презентациянинг тайёрланиш ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси (10-13 балл):<br>-ДАК аъзолари томонидан берилган саволларга берилган жавоблар (10-15 балл. Ҳар бир тўғри жавобга 3 баллдан): |
| | 71-85 балл | - МДнинг дастлабки ҳимояси протоколи, далолатномаси, аннотацияси, тақризлари ва тадбиқ этиш акти мавжудлиги (10-12 балл);<br>-МДнинг расмийлаштириш талабларига жавоб бериши (10-12 балл);<br>-талаба томонидан МДнинг мазмунини очиб бериш (доклад) даражаси (16-18 балл);<br>-презентациянинг тайёрланиш ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси (10-13 балл):<br>-ДАК аъзолари томонидан берилган саволларга талабанинг жавоблари (10-15 балл. Ҳар бир тўғри жавобга 3 баллдан):<br>-МД мавзуси бўйича тарқатма материалларнинг мавжудлиги ва ундаги маълумотларнинг асосланиши даражаси (5 балл);<br>-соҳа ривожи учун муаллиф томонидан ишлаб чиқилган долзарб ғоя учун (5 балл);<br>-амалиёт ўтаган фирма, ташкилот ва муассаснинг иш фаолиятини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган йўриқноманинг мавжудлиги (5 балл); |
| | 86-100 балл | - МДнинг дастлабки ҳимояси протоколи, далолатномаси, аннотацияси, тақризлари ва тадбиқ этиш акти мавжудлиги (10-12 балл);<br>-МДнинг расмийлаштириш талабларига жавоб бериши (10-12 балл);<br>-талаба томонидан МДнинг мазмунини очиб бериш (доклад) даражаси (16-18 балл);<br>-презентациянинг тайёрланиш ҳолати ва ундан фойдаланиш даражаси (10-13 балл):<br>-ДАК аъзолари томонидан берилган саволларга талабанинг жавоблари (10-15 балл. Ҳар бир тўғри жавобга 3 баллдан): |

| | | |
|---|---|---|
| | | -МД мавзуси бўйича тарқатма материалларнинг мавжудлиги ва ундаги маълумотларнинг асосланиши даражаси (5 балл);<br>-соҳа ривожи учун муаллиф томонидан ишлаб чиқилган долзарб ғоя учун (5 балл);<br>-амалиёт ўтаган фирма, ташкилот ва муассаснинг иш фаолиятини яхшилаш бўйича ишлаб чиқилган йўриқноманинг мавжудлиги (5 балл);<br>-талабанинг жаҳон иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришлардан ҳабардорлиги ва «ноу-хау» янгиликларидан фойдаланиш йўналишларини билиши (5 балл);<br>-МД ҳимояси давомида талаба ўз фикрларини аниқ ифодалаши ва равон етказиб бериши даражаси (5 балл);<br>-МД ҳимояси учун белгиланган вақтдан унумли фойдаланганлиги(5 балл); |

Магистрлик диссертация иши натижалари ҳар бир талабага алоҳида тўлдирилган протокол орқали расмийлаштирилади ва ДАК раиси ва аъзолари томонидан тасдиқланади.

